



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 7 март • № 10 (979)

2014 йил – Соғлом бола йили

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

шиори остида юртимизда саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чоратадбирлар замирида юртимиздаги ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор ва эҳтиром мужассам.

Бинобарин, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ва шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши ҳам, аввало, фарзанднинг саломатлиги, камолини ўйлаб яшовчи Аёл, Она деган муҳтарам зотга кўрсатилаётган

давоми сифатида жорий йил «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида бутун мамлакатимиз бўйлаб махсус саломатлик ҳафталиги бошланди. Бундан кўзланган мақсад мутахассис-ши-



гамхўрликни ифодалайди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар

фокорлар иштирокида юртимизнинг барча ҳудудида яшайдиган



хотин-қизлар, фертил ёшдаги аёллар, онахонларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан

ўтказиш ва соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратишдир. Кеча мазкур ҳафталик доирасида Тошкент вилоятида ҳам бир

қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, Юқори Чирчиқ туманининг «Истиклол», «Кавардон» (Давоми 2-бетда).

Мунис ва меҳрибон онажонлар, азиз ва муҳтарама аёллар, дилбар опалар, оқила қизлар, баҳорий байрамингиз муборак бўлсин!

Аёл зотини кўқларга кўтариб, шеър битмаган шоир, таърифу тавсиф бермаган ёзувчи, кўшиқ куйламаган хонанда бўлмаса керак. Чиндан ҳам аёллар борки, ҳаётимиз гўзал, уйимиз саранжом-саришта, дастурхонимиз файзли. Аёл борки, олам мунаввар.

Муқаддас Ҳадису шарифларда ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир», деб ёзилгани бежиз эмас. Биз аёлларимизни қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак шунчалар оз. Бундай ҳурматга, эъзозга лойиқ аёллар орасида республикамизнинг тиббиёт муассасаларида беморлар дардига шифо бағишлаб, меҳнат қилаётганлар жуда кўп. Оила аталмиш кўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Аёл бугун она, уй бекаси, раҳбар, моҳир ташкилотчи ва ташаббускор ходима.

Ўз ҳаёт фаолиятини тиббиёт билан боғлаган барча аёлларни баҳорнинг илк айёми 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Дунёда шундай бир улуг зот борки, биз ундан доимо қарздормиз. У ҳам бўлса онадир. * * *

Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр-тоқатли бўлса, она иродаси тимсол, кимда-ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол. * * *

Кўшдан сўрашибди: «Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?» «Бор», деб жавоб берибди кўш: «Она меҳри менинг тафтимдан ҳам кучлироқ».

Дунёни тебратиб куйлайди, Аёл

Атрофда парвона ўғил-қизлари, Кумуш осмонининг ой-юлдузлари. Субҳи тонг дуога очиб қўлларин, Фарзандлар камолин тилайди, Аёл.



Тун чодрасин ёйган, аҳли мавжудот, Осуда тин олар, ёлғиз у бедор. Мудроқ вужуди-ла танҳо бешикмас, Дунёни тебратиб куйлайди, Аёл.



Жонин фидо айлар оиласин деб, Садқадир бир эмас, ҳатто қирқ жони. Чидайди асрабон сўнгги имконни, Рўзгорин тинчи деб яшайди, Аёл.



Саховат чашмаси нулли кўшдан, Фикру имкон бергани, сабру бардошдан. Одам Ато насли кекса-ю, ёшдан, Нигоҳ-ла ўз қадрин сўрайди, Аёл.



Аёлга эрк, ҳуқуқ, заминга тинчлик, Миллатга осуда, бахтли истиқлол. Мағрур ҳайкириқ-ла, қутлуг минбардан, Оналар номидан сўзлайди, Аёл.



Бовабой ЧАҚҚОНОВ.

2014 йил – Соғлом бола йили

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

шиори остида юртимизда саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда

қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли тиббиёт пунктларида ўқувчи-қизлар, ёш болалар аёллар, онахонлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

– Мустақиллик йилларида “Соғлом она – соғлом бола” тамойили ҳаётимизнинг асосий шиорларидан бирига айланди, – дейди “Истиқлол” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли тиббиёт пункти мудирини Акбар Шарипов. – Бунинг натижасида оналар ва болалар саломатлиги билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олишга

дир касалликка чалинса, унинг саломатлиги, аҳолидаги ўзгариш ва бола саломатлиги муҳофазасига йўналтирилмоқдаки, шунинг

– Соғлом ҳаёт кечирган инсон соғлом фикрлайди, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги “Истиқлол” маҳалласида истиқомат қилувчи Умида Умаралиева. – Бунинг учун бугун биз, аёлларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Тиббий пунктимиздаги қулайлик, ширинсўз шифокорларнинг доимий назорати ҳам фарзандларимиз, ҳам ўзимиз доимо соғлом юришимизда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ушбу ҳафталик ҳақида эшитиб, бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик. Онам, қайнонам, қизларим билан шифокорлар қабулида бўлиб, уларнинг маслаҳати, йўл-йўриқларини олдик.

– Етмишдан ошдир, – дейди тумanning Кавардон қишлоғида яшовчи онахон Гулиса Бойалиева. – Шу ёшга кириб, ҳеч қачон бугунгидек тўқисликни, эъзозу эҳтиром, ғамхўрликни кўрмаганман. Илгари тиббий текширув учун бир кунимизни йўқотиб марказга боришга тўғри келарди. Энди эса шундоққина уйимиз ёнида тиббиёт пункти бор. У ерда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Биз бундан ниҳоятда хурсандимиз. Беш нафар фарзанднинг онаси, йигирмага яқин неваранинг бувиси сифатида яхши ва эзгу ишларнинг бошида турганлар ҳаммиса омон бўлишсин, деб ният билдираман.

эришилапти. Масалан, худудимиз аҳолиси 3138 нафарни ташкил этса, шундан 1524 нафари аёллар, 1226 нафари эса болалардан иборат. Айтиш керакки, уларнинг ҳар бири шифокорлар эътибор ва назоратида. Шунингдек, оилаларга мутахассисларнинг бириктирилганлиги ҳам мамлакатимиз тиббиётида кўзга ташланаётган беқиёс ислохотларнинг ўзига хос самарасидир. Бу агар ким-

(Давоми. Боши 1-бетда).

риш, муолажа олиши, умуман, ҳар бир вазият мутахассис назоратида туради, деганидир.

Жаҳондаги бир қатор нуфузли институтларнинг тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 125 та етакчи давлатлари орасида она ва бола муҳофазаси, аёлларга яратилаётган қулай шароитлар борасида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Туғруқ ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ўсмир қизларни оилага тайёрлаш, болаларни эмлаш каби чора-тадбирлар она

учун бўлса керак, саломатлик ҳафталиги муносабати билан ўтказилаётган тиббий текширувлардан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Умиджон Тошпўлатовлар хонадонидамиз. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда қад ростлаган намунавий лойиҳалар асосидаги уйлардан бирида истиқомат қилаётган Умиджон шарафли касб соҳиби – ҳарбий экан. У ушбу шинам ва ҳар томонлама қулай тўрт хонали уйда ота-онаси ҳамда икки нафар фарзанди билан яшайди. Шифокорлар тадбир доирасида Тошпўлатовлар хонадонидида бўлиб, Умиджоннинг онаси – Дилбар аянинг ҳол-аҳолини сўрашди.

– Президентимизга мингданминг раҳмат. Ушбу саломатлик ҳафталиги аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини эшитиб, бошим осмонга етди, – дейди у. – Ўғлим, келиним ишда, набираларим боғчадалигида хасталаниб қолсам, нима қиламан, деган хавотир йўқ.



Негаки, кўриб турганингиздек, шифокорларнинг ўзи тез-тез хонадонимизга келиб туришадди, хабар олишадди. Нима ёрдам керак бўлса, маслаҳатларини, кўмаklarини аяшмайди. Барака топшисин.

Шу ўринда айтиш жоизки, бутун юртимиз бўйлаб ўтказиладиган саломатлик ҳафталиги мобайнида республикамиздаги

мавжуд 3200 та қишлоқ врачлик пункти, туман ва шаҳарлардаги марказий кўп тармоқли ва оилавий ҳамда аралаш қабулга мўлжалланган поликлиника шифокорлари хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишадди, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ўз тавсияларини беришадди.

Зеро, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни янада мустақамлашга қаратилган вазибалар алоҳида қайд этилганки, бу борадаги эзгу ташаббусларнинг барчаси мамлакатимизда ҳаётни янгиловчи, наслини давом эттирувчи, оила иқлимини покиска тутувчи, фарзандлар камолотига пойдевор бўлувчи, Аёл деб аталмиш муаззам ва мўътабар зотга кўрсатилаётган юксак эътибор, беқиёс ғамхўрлик самарасидир, албатта.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 4 март, 44-сонидан олинди).

Дилдан суҳбат

Орол АТАНИЯЗОВА:

«АЁЛ — БУГУН РАҲБАР, МОҲИР ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАШАББУСКОР»

Аёл аввало, она, ҳаётимиз гултожи, оиланинг оқила бекаси, келажак авлоднинг муносиб тарбиячиси. Мамлакатимиз ҳаётининг қайсики бир жабҳасини олмайлик, ўзининг юксак истеъдод ва қобилияти, ташаббускорлиги ҳамда ақл-заковати билан фаолият юритиб келаётган минглаб аёлларимиз меҳнатини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Аёлларимизнинг бугунги руҳиятида, аввало, қатъийлик, замон билан ҳамнафас бўлиб яшаш иштиёқи баланд ва кучлироқ эканлигини кўрамиз. Ана шундай аёллардан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори, I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, Халқаро экологик Голдман мукофоти совриндори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори Орол Аминовна Атаниязовадир.

Юқоридаги ажойиб фазилатларни ўзида мужассам этган Орол Атаниязова 1979 йилда Тошкент тиббиёт академиясини тугатиб, Қонлиқўл туманида ўз иш фаолиятини акушер-гинекологикдан бошлади. Етуқ мутахассис ўз касбига меҳр қўйиб, Россия фанлар академияси қошидаги акушерлик-гинекология ва перинатология илмий-текшириш марказида илмий изланишлар олиб борди ҳамда 1986 йилда «Орол бўйида яшовчи аёллар репродуктив саломатлиги» бўйича докторлик ишини ҳимоя қилди. 1988 йилда бепуштлиқ бўйича Орол Атаниязова “Қорақалпоғистонда экологик тиббиёт” фундаментал йўналишларига асос солди. У 1991 йилда “Перзент” номли нодавлат ташкилотини тузди. “Перзент” нинг вазифаси Оролбўйи худудиди

яшовчи аёллар ҳамда болалар соғлигини яхшилашга қаратилди ва қисқа давр ичида мақсадли йўналтирилган режалар бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, ташаббускор, талабчан, меҳнатсевар ва халқ дарди билан ҳамоханг тарзда иш олиб борган Орол Атаниязова долзарб муаммо бўлган Орол ҳалокатининг олдини олишда ўзининг муҳим голялари билан чиқиб, халқ ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги фермерлари ва тиббиёт ходимларини ҳамкорликка чақириб мақсадида самарали ишларни йўлга қўйди.

Шу ўринда айтиш лозимки, қатъиятли инсон давлат сиёсати, фан, янги технологиялар, тиббиёт каби соҳаларда бемалол ўз

фикрини билдира олади. Ҳозирда у Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Орол Аминовна раҳбарлик қилаётган мазкур олий таълим даргоҳи унинг саъй-ҳаракатлари билан янгича баларга таълим-тарбия бериш борасида ўқитувчилар малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, институтнинг кўплаб ўқитувчилари хорижий давлатларда бўлиб, билим ва тажрибаларини бойитиб қайтмоқдалар. Фаолиятнинг яна бир диққатга молик томони мустақил аспирантуранинг очилганлигидир. Бу албатта, тиббиёт фани янгиликларини татбиқ этиш ҳамда илмий салоҳият йўлида изланиш олиб бораётган ёш мутахассислар учун катта имкониятдир.

Орол Атаниязова фаолият юритиш билан бирга, Ўзбекистон ва

бир қанча хорижий давлатларда таълим тизими бўйича ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, тажрибали мутахассис экология соҳасида олиб борган ишлари боис, худудда ижобий натижалар ўз маҳсулини бериб, у ушбу хизматлари учун 2000 йилда нуфузли Халқаро Голдман мукофотида сазовор бўлган.

Ҳа, бугунги кунда фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни асраш борасида ўз билим ва заковати билан етуқ соҳа мутахассисларини етишти-раётган Орол Аминовна меҳнатларини қанчалик таъриф этсақда, озлик қилади.

Албатта, аёл қайси соҳада фаолият юритмасин, у жамиятнинг узвий бирлиги сифатида тараққиётни тезлаштиришга ҳисса қўшади. Оиламизни аёлсиз тасаввур қила олганимиздек, жамиятимизни ҳам улар иштирокисиз ифодалаш қийин. Зеро,

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, аёлни эъзозлаш, унга меҳр кўрсатиш – миллатни асраш демакдир.

Орол Аминовна суҳбатимиз жараёнида аёлнинг жамият ва оиладаги ўрни тўғрисида ўз фикрларини билдириб, юртимиз аёлларини баҳор ва гўзаллик байрами билан қутлади ва Президентимизнинг аёллар фаолиятига бўлган эътибор ҳамда ғамхўрлигини фахр ила тилга олиб ўтди.

Дарҳақиқат, шоир айтганидек:

**Сенинг бир номинг муҳаббат, бир номинг матонат,
Бир номинг жасоратдир, бир номинг садоқат.
Бир номинг онадир, бир номинг ҳаёт,
Бир номинг латофату бир номинг нафосат.
(Давоми 3-бетда).**



Зухраҳон УБАЙДУЛЛАЕВА: «АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, МУҲАББАТ БЕРИНГ»

Аёл... У она, уй бекаси, тadbир-кор ва жамоада раҳбар... Қандай касбда фаолият юритишидан қатъи назар, аёл ўз нафосати, меҳру муҳаббати ила борлиқни ўзида жо эта олади. Зеро, «Дунёни гўзаллик кутқаради», деб бежизга айтилмаган. Аёл гўзаллик тимсолидир.

Зеро, аёлларимизнинг бугунги руҳиятида, аввало, қатъийлик, замон билан ҳамнафас бўлиб яшаш иштиёқи баланд ва кучлироқ эканлигини кўра-миз. Лекин оила аталмиш кўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Унинг руҳиятида эртанги кун нафаси, янгиланиш ва ўзгарувчанлик бахти ҳукмрон. Ана шундай изланувчан, руҳи тетик, юра-гида жўшқинлик сезилиб турган аёл-ларимиздан бири Тошкент шаҳар «Қон перепаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори Зухраҳон Убайдуллаевадир.

Юқоридаги фазилатлар қалбида мужассам бўлган Зухраҳон Ибрагимовна билан суҳбатда бўлар экан-миз, ажойиб инсоннинг бугунги руҳиятида истиқлол насимларидан баҳра олгандек сўзлари қатъий, юрак-ларида ўзига ишонч ва орзу-ҳавас яшаётганлигини янада қалбан ҳис этдик.

Қаҳрамонимиз 1986 йилда Тошкент тиббиёт академиясини имтиёзли диплом билан тугатиб, давтаввал клиник шифохонада интернатурани ўтаган бўлса, 1987-1991 йилларда шифокор-ординатор, сўнгра шаҳар 15-шифохонасида бўлим мудир, 18-оилавий поликлиникада бош шифо-

кор ўринбосари, 3-оилавий поликлиникада бош шифокор вазифаларида меҳнат қилиб обрў-этиборга эришди. Унинг меҳнатсеварлиги, қаттиққўллиги ва ташаббускорлигини инobatга олган раҳбарият 1998 йилда Ҳамза тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасида бош шифокор ўринбосари лавозимига тайинлади. 2007 йилдан буён эса Тошкент шаҳар «Қон перепаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу кунга қадар мазкур корхонада Зухраҳон Ибрагимовнанинг ташаббуси билан ижобий ўзгаришлар қилиниб, кўплаб ютуқларга эришилмоқда.

Зухраҳон Убайдуллаева жамоада талабчан раҳбар, оилада эса меҳрибон она, суюкли ёр ва набираларнинг қадрдон бувижониси бўлиш билан бир қаторда айни кунда ўзининг «Фаол плазма донорларда донорлик параметр-ларида хос биокимёвий кўрсаткичлар» мавзусидаги илмий изланишларини давом эттираётганини мамнунлик билан тилга олди. Бу албатта, инсонлар саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг катта ифодаси, десак янглишмаймиз.

– Биз яшаётган давр жуда шиддатли. Унинг суръатига дош бериш, у билан қадам-бақадам яшаш осон эмас. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу давр янгиликларга бой, замондошларимиз тафаккури юксалганини кўриб, қувонасан киши. Демак, даврдан ортда қолиш кўп нарсани йўқотишга олиб келади. Бугунги кун аёли ҳам албатта, ортда қолишни истамайди. Аёл руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам шунга монанд, – дейди Зухраҳон Ибрагимовна.

Зухраҳон Убайдуллаева ишлаш жа-раёнида ўзининг интилувчан ва ташаб-

бускорлиги билан эл орасида эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиб, корхонада бадалсиз донорлик даражасини кўта-ришда ўзининг фидойи меҳнатлари билан ҳисса қўшди. Натижада, шаҳар ва республика даволаш-профилактика му-ассасаларини қон ва унинг компонент-лари билан таъминлаш самарали йўлга қўйилди. Шунингдек, фавқулдда ҳо-дисаларда фойдаланиш учун қон компо-нентлари ва перепаратлари захираси таш-кил қилинди. Яна шуни таъкидлаш му-ҳимки, жамоа ходимлари ташаббуси билан шаҳар аҳолиси, олий ўқув юртлари талабалари, турли ташкилот ва муассасаларда беғараз донорлик борасида та-рғибот ишлари олиб борилмоқда.

Суҳбатимиз якунига етар экан, Зу-храҳон Ибрагимовна марҳум ота-онала-рини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олди. Албатта, ҳар бир инсонни дунё-га келтириш, оқ ювиб, оқ тараш, тар-биялаш, чин инсон қилиб вояга етка-зиш ота-она зиммасидаги олижаноб бурч экан, қаҳрамонимизнинг ўз ота-онасини эслаши ҳам шундан. Айни пайтда Зухраҳон Ибрагимовна қайно-на ва қайнотаси олдида келинлик бур-чини адо этаётганидан, улар дуосини олиб яшаётганидан мамнун.

Невропатолог-шифокор сифатида истагим шуки, ҳеч бир инсон дардга чалинмасин. «Аксарият касалликлар-нинг келиб чиқишига асабнинг бузи-лиши сабабчи бўлади» деган ибора бор. Бу фикрни инкор қила олмаймиз. Аёлларимизни байрам билан қўлаб, се-вимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу шеърий мисраларини уларга ҳаёт-да амал қилишлари керак бўлган қоида сифатида йўллаб қоламан, дейди қаҳра-монимиз:

Дилдан суҳбат



**Асаблар,
Асаблар,
Асаблар...
Сабабсиз сочилган ғазаблар,
Гуноҳсиз чекилган азоблар,
Кўз ёшлар...
Барига сабаблар
Асаблар, асаблар, асаблар...**

**Асаблар кимларни қулатмас,
Асаблар уйқуни йўлатмас,
Қалбни ҳеч шодликка тўлатмас,
Одамзот темирмас, пўлатмас,
Асаблар кимларни қулатмас!**

**Асабга сўз берманг, одамлар!
Ғазабга йўл берманг, одамлар,
Умр-ку шунчалар қисқадир,
Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр.
Асабга сўз берманг, одамлар,
Асабга йўл берманг, одамлар!**

Амина ҚАЛАНДАРОВА: «ОИЛАМГА МУҲАББАТ, КАСБИМГА САДОҚАТ ҲИССИ БИЛАН ЯШАЙМАН!»

Ҳаётда кўпчилик англаган ва тан олган оддий ҳақиқат бор: аёл бир қўли билан дунёни, иккинчиси билан бешиқни тебратди. Опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги иштироки, ўз эгаллаган касб-ҳунари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси «дунёни тебратиш» деган иборада жамулжам аслида. Чиндан ҳам қайси соҳага разм солмайлик, замондош аёлларимиз эркаклар билан елкама-елка ва бирдек одим ташлаб меҳнат қилаётганини кўриб, кузатишимиз мумкин.



Мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида халқимиз саломатлигини сақлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишда барчага намуна бўлаётган шифокорлар киши-да худди шундай таассурот қолдиради.

Республика «Она ва бола» скрининг маркази Нукус филиали директори Амина Қаландарова ҳар куни ўз иш жойига қараб шошади. Раҳбарлик лавозимида ишлаётган аёлнинг фикрини, диққат-эътиборини чалғитадиган ҳолатлар кўп бўлса-да, қилиниши керак бўлган ишларнинг бир-бирига мазмунан ўхшашлиги бу аёлни вақтдан ютишга, ундан унумли ва оқилона фойдаланишга ундайди. Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд 12 та туманда оила куриб, ўзининг биринчи, иккинчи ёки учинчи фарзандининг эсон-

омон дунёга келишини кутаётган фертил ёшдаги аёллар бор. Улар ҳомиладорлик даврининг қайси босқичини бошдан кечираётган бўлмасин, ўз зурриёти соғ-саломат, тўрт мучаси соғ дунёга келишини истайдилар. Албатта, турли оилавий шароит ва муҳитда истиқомат қилаётган ёш оналарни ҳомиладорликнинг илк давридан бошлаб назоратга олиш, ўз вақтида мутахассис-шифокорлар кўригига жалб қилиш, муаммоли вазият туғилган пайтда унга энг зарурий ёрдам кўрсатишда бирламчи бўғин – қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт шифокорлари ёки маҳаллий поликлиника гинекологлари иштирок этса, соғлом бола туғилишини аниқлайдиган скрининг маркази ўша жараёни узвий равишда давом эттиради. Қорақалпоқ диёрида жисмонан ва руҳан соғлом авлодни дунёга келтириш жараёнига ўзини масъул ва камарбаста деб билаётган Амина Қаландарова қаерда юрма-

син, қандай вазиятда бўлмасин, ҳамиша бир шиорни такрорлайди: «Биз соғлом авлодни дунёга келтириш учун, аввало, оналарни соғломлаштиришимиз керак. Уларнинг меҳнат қилишини, дам олишини, овқатланиш рационалига риоя этишини таъминласак, бу мақсадга эришиш анча осонлашар эди».

Ҳа, ушбу марказда ишлаётган тиббиёт ходимлари иш жараёни билан танишган киши раҳбарнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини дарҳол англайди. Жамоада соғлом муҳит ҳукмрон, хоналар саранжом-сарийшта, тиббий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланилмоқда. Барча хоналар тиббий-санитария мавзусидаги бюллетень ва варақалар билан безатилган. Скрининг марказига ўз ҳомиласининг соғлом ривожланишини текширтириш учун келиб-кетаётган оналар бир вақтнинг ўзида тиббий савдоҳонликларини ҳам оширишлари мумкин. Албатта, раҳ-

бар қандай бўлса, жамоа шундай бўлади, деган мулоҳаза бор. Скрининг марказида Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган оналар саломатлигини кўриқдан ўтказишга ҳар жиҳатдан эътибор қаратилиб, бу жараёнга қатор йиллардан бери Амина Қаландарова бош-қош бўлиб келмоқда.

– Ўтган 2013 йил «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ, 15 минг нафар ҳомиладор аёл скрининг ва перинатал кўригидан ўтказилди. Уларнинг асосий қисмида соғлом ҳомиладорликни кузатган бўлсақ, маълум қисмида учраган экстрагенитал касалликларни даволаш ва бартараф этиш бўйича ўз амалий тавсия ва маслаҳатларимизни бердик. Шунингдек, туман ва шаҳар туғруқхоналарида дунёга келган 30 минг нафар чақалоқ неонатолог текширувдан ўтказилди. Уларни рисоладагидек парвариш қилиш, ривожлантириш юзасидан оналар билан суҳбат ва мулоқот уюштиришда марказимиз мутахассис-шифокорларининг ҳиссаси катта бўлди. Айнан шу жараён Соғлом бола

йилида изчил давом эттирилиши учун марказимиз жамоасининг чора-тадбирлар режасини белгилаб ва тасдиқлаб олдик. Зеро, Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг аксарият бандларида биз тиббиёт ходимлари зиммасига жуда катта вазифалар юклатилганки, уларни имкон даражасида удаллаши-миз керак, – дейди Амина Қаландарова.

Дарҳақиқат, элим деб, юртим деб, улар манфаатини ўз меҳнат фаолиятига уйғунлаштирган замондошларимиздан бири – Амина Қаландарова ҳаққоний гапни айтди. Давлат миқёсида тиббиёт ходимлари олдида қўйилаётган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш раҳбар ходимлар зиммасига, айниқса, катта масъулият юклайди. Республика «Она ва бола» скрининг марказининг Нукус филиалини бошқариб келаётган Амина Қаландарова буни нафақат ўзи ҳис этади, балки бирга ишлаётган ҳамкасбларини ҳам шунга ундайди.

Хулоса сифатида айтиш муҳимки, дилдан суҳбат қилган ҳар бир қаҳрамонимиз аввало, Президентимизнинг аёлларга бўлган эътибор ва ғамхўрликларини эътироф этиб, юртимиздаги хотин-қизларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий кутладилар.

«Дилдан суҳбат» саҳифасини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

Женщина времени

ЖИЗНЬ, ДЛИННОЮ В МИГ

Мать – это самый дорогой, близкий, любимый, заботливый человек, который всю свою жизнь, силы и душу вкладывает в воспитание ребенка. Проводя бессонные ночи над кроваткой малыша, она напевает колыбельную песню, в которой находят отражение все переживаемые ею чувства. И даже спустя многие годы отзвуки этой ко-

лыбельной остаются в памяти детей и становятся неким стимулом, способствующим преодолению трудностей, возникающих на жизненном пути. Любовь матери безгранична, она движет ею на протяжении всей жизни и побуждает совершать такие поступки, на которые поистине способна только мать.



ЗУЛХАЁ ШАЙХОВА

Неторопливой, размеренной походкой она зашла в гостиную, где мы с нетерпением ждали ее. Милая, приветливая и добродушная женщина, в глазах которой заметна грусть. Обстановка комнаты, красивые домашние растения, шкафы, полные книг, а также большое количество фотографий, на которых отражена вся история семьи Шайховых. Глядя на них, мы мысленно пытались соединить те фрагменты жизни, которые были отражены на фотографиях. И словно читая наши мысли, Зулхаё опала начала свой рассказ...

Зулхаё Шайхова родилась и провела свое детство в городе Туркестан Чимкентской области. Вскоре ее семья переехала в Кашкадарьинскую область. Маленькая Зулхаё всегда отличалась от других незаурядными способностями и стремлением к учебе. После окончания школы трех успешных выпускниц направили в Московский государственный университет имени М. В. Ломоносова (Россия). В их числе была и Зулхаё. Но в силу своей привязанности к родителям и родному краю, Зулхаё решила остаться в Узбекистане. Спустя некоторое время она вышла замуж, а вскоре стала матерью. Ухаживая за детьми, ведя домашнее хозяйство, Зулхаё не забывала о своей учебе в Институте русского языка и литературы (нынешний Государственный университет международных языков). Будучи образованными людьми супруги Шайховы сделали все возможное, чтобы дать детям хорошее образование. Четыре дочери Зулхаё опы, успешно окончив школу, поступили в университеты и получили высшее образование.

Вспоминаю сына...

Файзулло Шайхов рос веселым, озорным мальчиком. Даже с детства было понятно, что его ждет большое будущее. С малых лет ему были свойственны некое остроумие, умение общаться с людьми, стойкость характера. Он был нашей надеждой. Файзулло был разносторонне развитым ребенком: занимался музыкой, любил художественную литературу, и в то же время был душой компании и легко находил общий язык со сверстниками. Окончив школу в 1983 году, Файзулло поступил в Саратовский юридический институт, и с этого момента их жизнь резко изменилась.

Я отдаю жизнь ради него...

Поступление в университет стало новым этапом в жизни Файзулло. Узнав о результатах экзамена, он с большой радостью делился своими планами на будущее. Он хотел учиться, стремился освоить юриспруденцию и найти свое место в обществе, но, к сожалению, всему этому не суждено было сбыться...

– Через 2 месяца после начала учебы мы со всей семьей ждали приезда Файзулло к празднику. Прошел день, второй, третий... От Файзулло не было вестей: ни звонка, ни письма. Дурные предчувствия не давали мне покоя, и я решила поехать в Саратов. Зайдя в комнату, на минуту мое сердце остановилось: мой сын безмолвно лежал в кровати, без движения. Увидев меня, он просто сказал: "Мама, не переживай за меня. Все хорошо". Файзулло сказал мне, что это всего-навсего простуда, но я, как мать, не могла оставить ребенка в таком состоянии и, несмотря на его сопротивление, забрала его в Узбекистан.

Обследовавшись в центральной больнице Букинского района Ташкентской области, Файзулло поставили диагноз: острая почечная недостаточность. Мы были вынуждены положить его в клинику Ташкентской медицинской академии, где были проведены сеансы гемодиализа. Была зима и на улице стояли сильные морозы. С целью недопущения внешних инфек-

ций, посетителей не пускали к больным. И в студеную зимнюю пору я наблюдала за своим сыном через окошко. И каждую минуту сердце сковывал страх из-за того, что в любой момент сердце моего ребенка могло не выдержать и остановиться. Через некоторое время было решено доставить Файзулло в центр трансплантации почки при Республиканской больнице №1 Минздрава (ныне – Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи). Тщательно обследовав моего сына, медицинский персонал сообщил о необходимости проведения пересадки почки. Но в силу того, что на тот момент таковые операции не проводились в Узбекистане, нас направили в Москву, в Научный центр хирургии РАМН, директором которого был Б. В. Петровский. Там нас очень хорошо приняли, и, проведя необходимые обследования и анализы, было решено провести операцию. Проблема заключалась в том, что на тот момент не было донорской почки, которая могла спасти моего сына. И я без колебания решила отдать свою почку ему. Началась подготовка к операции. Оперировавшим хирургом был Александр Белоусов. По словам медицинских сестер, в день операции, будучи даже под воздействием наркоза и не имея ясного сознания, Файзулло ни на минуту не забывал о маме, постоянно спрашивая о ее самочувствии. После успешной операции, мы проходили курс реабилитации. Несмотря на то, что после операции прошло 4 дня, мое состояние не улучшалось, у меня был жар и врачи не могли понять причину. Сердце матери всегда стремится к ребенку, и оно горит, не видя свое дитя перед глазами. И во время осмотра академик Б. В. Петровский сказал: "Мать и дитя – одно целое, и нельзя их разделять". После этого нас с Файзулло поместили в одну палату и дело пошло на поправку. За время нашего пребывания в больнице в который раз я убедилась в том, что мой сын действительно мужественный человек, ведь, как поведали врачи, в истории больницы мой сын был единственным человеком, который отказался от инъекций морфия и терпел всю боль, не показывая этого мне, боясь ранить мое

материнское сердце. За весь период, проведенный в больнице, он непрерывно читал книги. Мы постоянно обсуждали каждую прочитанную им литературу. Порой, анализируя его мысли, я поражалась широте его кругозора, глубине интеллектуальных способностей. Это был человек, с которым можно было разговаривать часами напролет, даже не замечая, как быстро проходит время. Мы все время были вместе. Состояние здоровья постепенно улучшалось, и вскоре мы получили разрешение на выписку и вернулись в Узбекистан. С того момента все стало на свои места. Казалось бы, все позади – и боль, и страхи, и переживания. Мы прошли через страдания, мой сын был на волосок от смерти, но, пройдя через все это, мы стали ценить друг друга еще больше, ценить каждую минуту, проведенную вместе. Так прошло 7 лет. Внезапно состояние Файзулло стало ухудшаться. Впоследствии у него обнаружили инфекцию мочевыводящих путей. Был проведен курс лечения. Врачи подобрали все необходимые лекарственные средства,

учитывая то, что у Файзулло была одна почка. Возможно, из-за перенесенного вирусного гепатита у него развился цирроз печени, и представьте себе мое состояние, когда мне не к кому было обратиться за советом по уходу за человеком с циррозом печени и с трансплантированной почкой. В отчаянии я хваталась за любую соломинку, металась от одного медицинского учреждения в другое и даже хотела вновь отправиться в Москву для проведения очередной операции. Но сын отказался от поездки в Москву, сказав, что все лечебные процедуры он получит на Родине. Тяжело описать, как трудно было смотреть в глаза чахнувшего ребенка и быть не в состоянии помочь ему. До сих пор перед глазами стоит эта картина, а в памяти навсегда сохранились слова сына "Мама, не беспокойся, ты сделала все, что в твоих силах. Я обязательно поправлюсь, ты только поверь в это". Мы сделали все возможное, но, к сожалению, я не смогла его спасти. Мы потеряли нашего сына.

Мои несбывшиеся мечты

До сих пор, вспоминая те трудные моменты жизни, я понимаю, что, отдав свою почку, я продлила жизнь сына хотя бы на некоторое время. И я не жалею об этом. Единственное, что меня мучает, так это то, что, возможно, я могла бы уговорить сына на очередную операцию за рубежом, и может это спасло бы его. Все, что осталось от него, – это его фотографии и вещи, которыми он пользовался. Но я бессознательно ищу его, его черты лица, манеры поведения в его племянниках, своих внуках. Даже несмотря на то, что его нет рядом, он все равно постоянно в моем сердце.

Пользуясь случаем, я бы хотела сказать: «Цените друг друга, каждую минуту, каждый миг, проведенный вместе. Жизнь, кажущаяся нам такой долгой, может оборваться в любое мгновение, а люди, которые кажутся нам вечными, в любой момент могут покинуть нас».

История этой женщины действительно затронула нас. Ведь с ее рассказом перед глазами представилась вся картина жизни Зулхаё опы. Сколько боли и страданий испытала эта женщина. Но только благодаря своей семье, своим детям и внукам Зулхаё опа сумела прийти в себя. И на сегодняшний день эта милая женщина ценит каждый светлый день. Большой любовью она одаривает своих детей и внуков. И от всей нашей редакции хотелось бы пожелать этой поистине прекрасной женщине, матери крепкого здоровья, долгих лет жизни. И пусть все те надежды и мечты, которые она возлагала на сына, осуществляются благодаря ее внукам. Спасибо за то, что в жизни есть именно такие матери, готовые отдать сердце и душу ради своих детей.

Материал подготовила
И. СОАТОВА.

Тадбир

ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

– Юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин. Биз кексаларга кўрсатилётган гамхўрликдан чексиз миннатдормиз, – дейди дангаралик 75 ёшли Муборак Мухаммадиева. – Шифокорлар ўзлари уйимизга келиб, тиббий текширувдан ўтказиб, зарур маслаҳатлар бермоқда. Бундай гамхўрлик қаерда бор?! Фақат бизнинг юртимизда!

Фаргона вилоятининг шаҳар ва туманларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги доирасида Муборак аяга ўхшаган кекса ва ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Президентимиз раҳнамоли-

гида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволашнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, диагностика тизимини янада ривожлантиришга қаратилётган алоҳида эътибор аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғ-

лом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим омили бўлмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган саломатлик ҳафталигида шифокорлар хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур тавсиялар бермоқда. Дангара туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида ҳам ҳафталик доирасида тиббий кўриклар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. – Худуддаги 20 та қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган, – дейди Дангара тумани тиббиёт



бирлашмаси бошлиғи Иномжон Шерматов. – Ҳафталик давомида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш асослари ва унинг муҳим омил-

ларига бағишланган давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ.
ЎЗА.

Шаги реформ

ЖЕНЩИНА – СВЯЩЕННА

Под руководством Президента Ислама Каримова в нашей стране уделяется постоянное внимание поддержке женщин, повышению их социального статуса, созданию для них достойных условий труда, полной реализации потенциала, охране материнства и детства. Указ главы государства "О дополнительных мерах по поддержке деятельности Комитета женщин Узбекистана" от 25 мая 2004 года служит при этом важным руководством к действию.

О проводимой в Навоийской области работе в этом направлении корреспонденту УзА рассказала заместитель хокима области, председатель областного комитета женщин Анора Бобомуродова:

– С целью укрепления статуса женщин в обществе, повышения их активности, оздоровления духовной атмосферы в семье, обеспечения занятости женщин совместно с постоянными комиссиями в городах и районах проводится широкая разъяснительная работа. Особое внимание уделяется широкому вовлечению женщин в предпринимательство, всесторонней поддержке тех, кто хочет заниматься семейным предпринимательством и бизнесом. В повышении эффективности этой работы важную роль играют проводимые семинары, "круглые столы" и встречи на такие темы, как "Наладь свой бизнес", "Семейное предприни-

мательство – путь к благополучию", "Гранты для развития семейного предпринимательства".

В 2013 году в области на развитие предпринимательства среди женщин коммерческими банками было выделено почти 22 миллиарда 730 миллионов сумов кредитных средств. В результате число женщин-предпринимательниц превысило 1270. На основе надомничества создано 16988 рабочих мест. Особенно успешно наши деловые женщины действуют в сферах швейного производства, оказания услуг и ремесленничества.

Традиционно проводимые накануне 8 Марта – Международного женского дня художественные вечера, встречи и духовно-просветительские мероприятия "Женщина, ты – воплощение весны!", "Колыбельная – священная песнь", "Женщины – священные, матери – почетные" являются практическим вопло-

щением уделяемого нашим женщинам постоянного внимания.

В махаллях с участием консультантов по вопросам религиозного просвещения и духовно-нравственного воспитания организуются духовно-просветительские мероприятия, беседы и специальные курсы. Мероприятия "Здоровая семья – здоровый ребенок", "Книга – лучший подарок в приданом невесты" способствуют подготовке молодежи к семейной жизни, воспитанию ее гармонично развитыми личностями.

С целью пропаганды здорового образа жизни, развития женского спорта, укрепления здоровья женщин традиционно проводятся женский спортивный фестиваль, спортивные соревнования "Гимнастика для всех".

В рамках Государственной программы "Год здорового ребенка" разработаны необходимые меры по социальной защите семьи, материнства и детства, повышению статуса женщин в обществе, их правовой грамотности и широкому привлечению к спорту, обеспечению их занятости. Так, совместно с управлением здравоохранения, областными отделениями международного благотворительного фонда "Соғлом авлод учун", Научно-практического центра "Оила",



центрами репродуктивного здоровья, скрининга будет проведен системный профилактический осмотр детей и женщин фертильного возраста. В учреждениях первичной медико-санитарной помощи особое внимание уделяется повышению эффективности работы школы молодых матерей.

Н. РАХИМОВ.

Эътироф

МЕҲРИБОН, ХУШМУОМАЛА ВА КАМТАРИН

Мана, юртимизга орзикиб кутилган баҳор фасли ҳам кириб келди. Яшариш, янгилиниш ва гўзалликни ўзида мужассам этган фасли баҳорда ҳаётимиз гултожи, оиланинг оқил бекаси, келажак авлоднинг муносиб тарбиячиси бўлган аёлларимизнинг сеvimли байрами 8 март – Халқаро

хотин-қизлар кунининг нишонланиши ҳам қалбларга кўтаринки кайфият бахш этади. Шундай экан, бундай гўзал байрамни барча хотин-қизлар қатори республикамиз тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган аёллар ҳам ўзгача шуқуҳ билан нишонлайдилар.

ридан М. Мамасолиева, М. Умарова, Л. Муҳаммаджонова, М. Расулова, У. Фанибоева, М. Фуломова, З. Агзамова, В. Саидазимова, Г. Собирова, катта ҳамширалар М. Соипова, Д. Аҳмедовалар, кичик тиббиёт ходим-

ларидан А. Аслонова, З. Ортиқова, Х. Қодирова, уқаловчилар М. Мирзааҳмедова ва З. Болтаеваларга самимий миннатдорлик билдириб, уларнинг меҳнати нечоғлиқ масъулиятли эканлигини ўз



Айниқса, уларнинг меҳнатидан миннатдор бўлиб, қўлларини дуога очган қанчадан-қанча инсонларнинг дил изҳорлари, байрам табриклари тахририятимизга келаятган мактублардан кўриниб турибдики, уларнинг фидойи хизматларини эътироф этмай илож йўқ. Ҳаётимиздан бир мисол олайлик. Оила юмушлари-ю фарзандларини уйда қолдириб, бемор қалбларга нажот бахш этган, тулларни бедор ўтказган шифокор аёлнинг касбига бўлган меҳри, чексиз муҳаббати ва фидойилигини айтмайсизми? Ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида беморларга беминнат хизмат қилаётган жамоа раҳбари



А. Алявий ҳамда бу ерда ишлаган аёллар меҳнатини Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи И. Пягай эътироф этади.

Муаллиф, айниқса, қабул, кардио-реабилитация, пульмонология ва неврология бўлимидаги мутахассислардан кардиолог-врач З. Расулова, не-

вропатологлар Д. Воҳидова, Д. Нажмиддинова, пульмонология бўлими бошлиғи Б. Арипова, пульмонолог-врач Ю. Тожиҳўжаева, қабул бўлими бошлиғи Д. Файзиева, кардио-реабилитация бўлими бошлиғи Д. Нурмухамедова ҳамда кардио-реабилитация ва пульмонология бўлими ҳамширалар-



Ҳа, аҳоли саломатлиги йўлида беминнат хизмат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб эгалари омон бўлишсин! Шундай экан, биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган барча хотин-қизларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий кутлаб, уларга баҳорий кайфият ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Жасур ЖАЛИЛОВ.
Муаллиф олган суратлар.

По большому счету на женщинах и держится медицина. Мы бы могли привести десятки примеров, когда в труднейших условиях наши прекрасные коллеги – санитарные врачи, медсестры, ла-

боранты, фельдшеры, санитарки – показывали образцы выполнения профессионального и человечес-

Поздравление

кого долга. В праздник весны мы хотим поздравить женщин-медиков.

Дорогие женщины!

Мы от всей души поздравляем вас с Международным женским днем 8 марта! Желаем вам хорошего настроения, счастья в личной жизни, здоровья и чистого неба над головой!

Мактублар — кўнгил кўзгуси

МИННАТДОРЛИК — ИНСОНИЙ ТУЙГУ



Оқ қоғозга битилган қалб сўзларини ўқир эканмиз, ҳар биримизнинг кўнглимизда илиқ туйғу пайдо бўлади. Мактуб муаллифининг кимгадир йўллаётган энг самимий тилакларига сиз ҳам беихтиёр хайрихоҳлик билдира бошлайсиз. Хатнинг дил ойнасига қиёсланиши ҳам шундан бўлса керак. Қадим-қадимдан ўз яқин кишиларига мактуб йўллаш аънанасининг бугунги кунда сақланиб қолиши замондошларимиз маънавий ҳаётининг бир кўриниши сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юртимизнинг турли бурчакларидан юборилаётган хатларда инсон саломатлигини сақлаш, унинг умрига умр кўшишдек эзгу ва савоб ишга бел боғланган шифокорлар шаънига битилган дил изҳорларини ўқиганда, худди шундай ҳиссиётни бошдан кечирасиз. Улардан баъзилари "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана" газетаси саҳифаларида эълон қилинаётган мақолаларга ўз муносабатини билдириб, бу орқали тиббий билимларини ошираётганлигини эътироф этадилар. Юрдошларимизни мактуб йўллашга ундаётган миннатдорлик туйғуси аслида инсонийликнинг бир белгиси бўлиб туюлади.

— Мени анча вақтдан бери кўз касаллиги безовта этиб келарди. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин, деганларидек, мутахассис-шифокорлар кўригида бўлиб, тегишли муолажаларни олсам-да, ҳасталиқдан буткул халос бўлиш қийин экан. 2013 йилнинг октябр ойида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказига жойлашиб, етук ва малакали мутахассис-шифокорлар қўлида даволандим. Айниқса, марказ директори Зафар Сиддиқовнинг муассасада даволаниш жараёнини намунали ташкил этишга бош-қош бўлаётгани биз беморларни мамнун этди. Шифокорлар мени чуқур тиббий кўриқдан ўтказиб, операцияга тайёрладилар. Ёш, таж-

рибали шифокорим Дилшоджон Абдуназаров чап кўзимни 30 дақиқа ичида операция қилди. Бу ёруғ оламни кўриш бахтига муяссар бўлган лаҳзаларда мендан кўра шодон ва масрур инсон йўқ эди. Бу қандай мўъжиза, бу қандай бахтки, мен юртимиз кўчаларини, шаҳару қишлоқларини, яқин инсонларимни, осмон ва ерни, бутун оламни кўзойнаксиз кўра бошладим. Бунинг учун менга ёрдам кўлини чўзган, меҳр-мурувват кўрсатган марказ шифокорларига бир умр таъзим қиламан, — деб ёзади Наманган вилоятининг Уйчи туманидан Тошмухаммад Ҳузоров.

Ҳаёт бахтли ва бахтсиз тасодифларга тўла. Кимдир кутилмаганда шикастланиб, яқин кишилари меҳр-муруввати, шифокорлар кўмагига эҳтиёж сезади. Фарғона вилоятининг Бағдод тумани Ултарма қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шоира Жўраева 2007 йилда йиқилиб, ўнг кўли сингани, бунинг натижасида ўнг елкасида сув ва йиринг йиғилгани, туман тиббиёт бирлашмасида даволанганини эслаб, мактуб ёзади.

— Фарғона шаҳрида жойлашган вилоят кўп тармоқли шифохонаси нейрохирургия бўлимида даволандим, — деб давом эттиради ўз битикларини Шоира Жўраева. — Елкамда йиринг тўплангани маълум бўлгач, мени вилоят онкология диспансерига юбордилар. Шифокор Бахтиёр Жўраев мендан қон ва пешоб таҳлилини олиб, аниқроқ ташхис қўйиши учун Республика онкология диспансери-

га йўлланма берди. Гистология бўлими шифокорлари сурункали остеомиелит, оқма яра тури суяк деформацияси ташхисини кўйгач, бу ерда 2013 йилнинг куз ойларида даволаниб чиқдим. Йиринг оқиши тўхтади, оғриқларим босилди. Ҳозир ўзимни энгил ҳис қиляман. А. Содиқов, Б. Миразимов, А. Тошпўлатов каби шифокорларга мени оғир дарддан халос қилганлиги учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони Тўхтамурод Тошмухаммадов ёзган хат қисқа ва лўнда бўлиб, мактуб муаллифи жорий йилнинг 23 январиде ўрда мавзесида жойлашган "Медик-AS" соғлиқни сақлаш марказига мурожаат қилганини ёзар экан, беморларни марказ директори Усмон Мирсодиқов илиқ қарши олишини мамнуният билан қайд қилади.

— Марказда беморлар ультратовуш ёрдамида текшириб кўрилиб, аниқ ва тўғри ташхис қўйилади. Намунали хизмат, юқори даражадаги муомала маданияти бу ерга келиб мурожаат қилаётган кишиларнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Илоҳо, беморларга яхшилиқ улашаётган, уларнинг дардига малҳам бўлаётган шифокорларнинг тану жонлари соғ бўлсин, узок умр кўриш насиб этсин, — дея ўз дил изҳорига нуқта қўяди Тўхтамурод Тошмухаммадов.

Фарзанди бетоб бўлиб қолса, ота-онада хузур-ҳаловат йўқолади. Унинг дардига малҳам бўлгиси келади. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Баъзан хавфли касалликка чалинган боласи тақдири учун қайғураётган ота-онанинг аҳволини ҳис қилмай иложимиз йўқ.

— Қизим Ҳуснора туғма юрак нуқсонини билан дунёга келиб, уч маротаба операция қилинди. Аммо вақти-вақти билан унда дард хуружи бўлиб туради. Яқинда Тошкент шаҳар тез тиб-

бий ёрдам клиник шифохонасига бемор қизимни олиб борганимда, шифокорлар бизни очиқ чехралик билан кутиб олдилар. Қисқа муддат ичида қизимга даволаш усулларини қўллаган барча шифокорлар, жумладан, Ахбор Қосимов, Азиз Тошпўлатов, А. Соатовга энг самимий тилакларимни айтгим келади, — дея ҳикоя қилади Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер Пўлатой Орипова.

Мангит шаҳридан мактуб йўллаган ёши улуг онахонлардан бири I-гуруҳ ногирони Жумагул Жуманиёзованинг дил изҳорини ўқир эканмиз, 90 ёшда уни қўлига қалам олишга ундаган туйғу юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ижобий муносабат эканлигига амин бўлдик:

— Қарилик-да, кўп вақтимни газета-журнал ўқиб, телевизор кўриб ўтказаман. Телевидение орқали мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган намунали тиббий хизмат жараёнини кўриб, ҳавасим келарди. Яқинда тобим қочиб, Мангит шаҳридаги тез тиббий ёрдам шифохонасига тушиб қолдим ва бу ердаги шарт-шароит худди телевидениеда кўрсатилганидек ҳавас қиларли эканини кўрдим. Қаранг, аҳоли учун шу даражада гамхўрлик ва эътибор! Касалхонада бир ҳафта даволаниб, уйга қайтдим. Шуҳрат Чоршамов, Бахтиёр Явидов, Барно Соатова, Музаффар Холимбетов, Гулистон Балимова каби шифокор ва ҳамшираларнинг беморлар билан илиқ ва самимий муносабати кўз ўнгимда турибди.

Дарҳақиқат, бундай мазмундаги мактубларни ўқиганда, нафақат шифокорлар, балки қалам аҳлининг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилари, ўз ишига нисбатан меҳр-муҳаббати, рағбати ва масъулияти янада ошади. Зеро, бир инсоннинг иккинчи бир кишига оқ қоғоз орқали йўллаган мактуби меҳроқибат, яхшилиқ, ўзаро ҳурмат каби туйғулар боқий эканлигидан далолатдир.

Мактубларни
Хулқар КУЗМЕТОВА шарҳлади.

Семинар

Дастур ижросини таъминлашда хусусий секторнинг ўрни

Жорий йилнинг 4 март куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида пойтахтимиз ҳамда республикамизнинг барча вилоят марказларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида 2014 йилга белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига қаратилди.

Семинарда Давлат дастурининг лицензия асосида фаолият юритаётган хусусий тиббиёт муассасалари негизида ижро этилишини таъминлаш, унда кўзда тутилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, уларда лицензия билан руҳсат берилган диагностика ва даволаш стандартларига қатъий риоя қилиш каби масалаларга урғу берилди. Шунингдек, дастурда муассасаларнинг моддий-техник асосларини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, аҳоли орасида тиббий маданиятни тарғиб қилиш, соғлом бола шаклланишида таълим ва спортнинг ўрнини кучайтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилиш, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг фикрича, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида



амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдориде маблағ йўналтирилади. Унинг доирасида хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталикларини ташкил этиш, шунингдек, етакчи тибби-

ёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган. Ушбу ишларга республикамизнинг олий ўқув юртлари профессорлари, тиббиёт марказининг малакали мутахассислари, тажрибали шифокорлар жалб қилинади. Шу кунларда эса "Ҳеч

бир билан боғлиқ барча масалалар акс этган. Шубҳасизки, бу соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулиятни юклайди. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шугулланувчи тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади. Бу жараёнда тизимнинг хусусий секториде меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг ҳам бирдек масъулияти бор, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Фарҳод Раҳимкулов.

Семинарда амалдаги тиббий фаолиятни лицензиялаш ва назорат қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши мўлжалланган, шунингдек, ОИТС инфекциясининг олдини олиш ва бу борада хусусий тиббиёт муассасалари ходимлари малакасини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2014 йил 25 февралдаги 62-сонли буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия талаб ва шартларига риоя этишларини назорат қилиш бўйича 2014 йилнинг 2-чорагида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали

№	Вилоят	Туғилган йили	Фирма/компания номи	СТИР	Лицензия берилган сана	Текшириш тутилган сана
1. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ						
1	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"O'ZM.BE.SUR" номидаги шифобағали МЖК	20050304	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"DODON-MED-SERVICE" МЖК	20110220	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"DOR MED SERVICE" МЖК	20080813	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"DOLMIDE-PLANT" шуғулланган корхонаси	20120309	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"DIPLOMAT SERVICE" шуғулланган корхонаси	20111020	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Андижон вилояти	Балхона тумани	"DINOSORO PLUS PLUS" МЖК	20100201	01.05.2014 й	30.05.2014 й
2. БУХАРО ВИЛОЯТИ						
1	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"BALOXONIK MEDICAL" шуғулланган корхонаси	20151123	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Бухоро вилояти	Ганджак тумани	"Mish Mish Ishtiroi" шуғулланган корхонаси	20080717	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Бухоро вилояти	Раматан шаҳри	"BARKULO DENTAL SERVICE" МЖК	20110304	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Бухоро вилояти	Шоёрлик тумани	"BARKULO DENTAL SERVICE" МЖК	20110304	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Бухоро вилояти	Раматан тумани	"BARKULO" шуғулланган корхонаси	20110310	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Бухоро вилояти	Бухоро тумани	"BARKULO" шуғулланган корхонаси	20110310	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3. ЖИЗГАЧ ВИЛОЯТИ						
1	Жизгач вилояти	Жизгач шаҳри	"Jizgach-Hur Service" шуғулланган корхонаси	20100211	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Жизгач вилояти	Жизгач шаҳри	"JIZGACH-DENTAL-SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110324	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Жизгач вилояти	Жизгач шаҳри	"Jizgach-Service" шуғулланган корхонаси	20110324	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4. НАВОЙ ВИЛОЯТИ						
1	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳри	"DARAFSHON DENTAL" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	"STOMA-DENTAL" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	"MEDICAL DENTAL CLASS" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5. НАВoiYIN ВИЛОЯТИ						
1	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Навоий вилояти	Иштихон тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ						
1	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"MEDICAL PLUS" МЖК	20110420	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Самарқанд вилояти	Самарқанд тумани	"ALLADENT" МЖК	20020620	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилояти	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110420	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110420	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110420	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110420	01.05.2014 й	30.05.2014 й
7. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ						
1	Сирдарё вилояти	Сирдарё тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110420	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Сирдарё вилояти	Сирдарё шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
8. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ						
1	Сурхондарё вилояти	Ангрен тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й

2	Сурхондарё вилояти	Ангрен тумани	"LIFE & LOVE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Сурхондарё вилояти	Тарбаған шаҳри	"TARBAGAN SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
9. ТУШКЕНТ ВИЛОЯТИ						
1	Тошкент вилояти	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Тошкент вилояти	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Тошкент вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Тошкент вилояти	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Тошкент вилояти	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Тошкент вилояти	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
7	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
10. ТУШКЕНТ ШАҲРИ						
1	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Тошкент шаҳри	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
4	Тошкент шаҳри	Бўғиқон тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Тошкент шаҳри	Ангрен тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
7	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
8	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
9	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани	"DOLMIDE SERVICE" МЖК	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
11. ХАТТОН ВИЛОЯТИ						
1	Хаттон вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Хаттон вилояти	Хаттон шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Хаттон вилояти	Хаттон шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Хаттон вилояти	Хаттон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Хаттон вилояти	Самарқанд шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Хаттон вилояти	Хаттон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
12. ҚОҢАР ВИЛОЯТИ						
1	Қоғон вилояти	Қоғон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Қоғон вилояти	Қоғон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Қоғон вилояти	Қоғон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
13. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ						
1	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё шаҳри	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
3	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
4	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
5	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
6	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
14. ҚОҢАҚАЎЛОҢИСТОН RESPUBLIKASI						
1	Қорағон вилояти	Қорағон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.04.2014 й	30.04.2014 й
2	Қорағон вилояти	Қорағон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й
3	Қорағон вилояти	Қорағон тумани	"DOLMIDE SERVICE" шуғулланган корхонаси	20110323	01.05.2014 й	30.05.2014 й

– Кишлоқ врачлик пункти-миз жамоаси 11200 нафардан зиёд аҳолига хизмат қилади, – дейди Фаргона вилоят Тошлоқ туманидаги “Бирлик” кишлоқ врачлик пункти мудариси Муҳаббат Мирзаалиева. – “Сойбўйи”, “Гузарбоши”, “Хўжаарик”, “Паст” маҳаллаларида 2400 та хонадон бўлиб, у ерда 3040 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва 280 нафар бир ёшгача бўлган болалар истиқомат қилади. Таъкидлаш муҳими,

ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

ўтган йили аҳоли ўртасида саломатликка доир тушунтириш ишларини изчил олиб борганлигимиз натижасида эрта никоҳ ва барвақт туғуқлар, қариндошлар ўртасида никоҳлар қайд этилмади. Худудимиздаги “Хўжаарик” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тadbирда аёллар ва кизлар билан бир неча марта суҳбатлар ўтказилди.

Соғлом бола йилида оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Худудимиздаги ҳар битта хонадонга кириб боришни, оила аъзолари билан доимий суҳбатлар ўтказиб, уларни саломатлигини назорат қилишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Куни кеча республикамиз миқёсида бошланган «Соғлом

бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида бошланган тadbирда ҳам тиббиёт ходимларимиз фаол иштирок этиб, худудда истиқомат қилаётган хотин-қизлар, фертил ёшдаги аёллар, нуруний онахонларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, муҳим тавсия ва маслаҳатларини бердилар. Бундай эзгу ниятли ишлар жамиятимиз тараққиётини юксалишида, қолаверса ватанимиз келажаги бўлган фарзандларимизни янада соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,
Марғилон шаҳри,
меҳнат фахрийси.




Аёл сиймоси, она демакдир,
Она сиймоси, ҳаёт демакдир.

Аёлсиз ҳаёт, ҳаёт эмасдир,
Аёлсиз дунё, керак эмасдир.

Меҳринг ҳам беқиёс, муҳаббатинг ҳам

Баъзида нозиксан қизгалдоқдан ҳам,
Кўнгиллар мулкида яйраган тимсол.
Меҳринг ҳам беқиёс, муҳаббатинг ҳам,
Сенсиз бу дунё – дунёми, аёл?

Мўтабар аёлсан, қордек оқ кўнглинг,
Бугуним, эртансан ва ширин хаёл.
Меҳрибон онамсан, дардкашим, синглим,
Ким бўлма, суюксан, буюксан – аёл!



Салон красоты

МАСКА, Я ТЕБЯ ЗНАЮ!

Взбить, нанести на лицо на 15 минут и смыть минеральной водой.

2. Одну чайную ложку каймака, одну чайную ложку измельченных овсяных хлопьев, одну чайную ложку творога, 10 капель лимонного сока взбить до однородной массы, нанести на лицо на 15 минут и смыть минеральной водой.

3. 15 граммов дрожжей, одну чайную ложку лимонного

сока, одну чайную ложку масла поставить в чашке в горячую воду на 3-5 минут и в теплом виде нанести на лицо, а затем смыть теплым чаем.

4. Одну чайную ложку творога, одну чайную ложку меда взбить до консистенции крема, нанести полученную массу на лицо. Смыть такой маской холодным молоком.



Сегодня мы продолжим разговор об уходе за кожей лица. Предлагаем вашему вниманию несколько оригинальных питательных масок, рекомендуемых для всех типов лица.

1. Одна чайная ложка любого масла, 1 желток, 5 капель лимонного сока.

Признание ЗДОРОВЬЕ ДЕТЕЙ ПОД СТРОГИМ КОНТРОЛЕМ

– В нашей Республиканской специализированной школе-интернате искусств на данный момент обучаются 667 учащихся, из них – 120 детей из областей, остальные – городские, – рассказывает директор учебного заведения Соми Садыков. – Но так как дети всегда общительны, то и вероятность заболеть простудными и инфекционными болезнями будет всегда. Для того, чтобы держать всё под контролем, у нас имеется меди-

цинский пункт с процедурным кабинетом и изолятором. Работают в нём профессионалы своего дела и любящие детей фельдшер Надира Ишанова и медицинская сестра Мовжуда Хакимова.

– Один раз в год, – продолжает беседу Надира Ишанова, – мы проводим диспансеризацию для наших ребят. Для этого мы приглашаем врачей из Учтепинской центральной многопрофильной поликлиники и детского диагностического центра (УЗИ,

ЭКГ, невропатолога, эндокринолога, лор, хирурга, ортопеда, окулиста, гинеколога, дерматолога). В сентябре для первоклассников делаем прививки от дизентерии, а девятиклассникам – в апреле. По плану проводим профилактику против полиомиелита.

В основном, придя к нам, дети жалуются на горло, живот и голову. Если находим что-то серьёзное, то сначала определяем в изолятор, а там уже по обстоятель-



ствам. Пока всё обходится без проблем. Мы постоянно ведём документацию, журналы по приему пациентов. Так что здоровье детей под строгим контролем.

А. ПОПОВ. Фото автора.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 8751 нусха.
Буюртма Г-359.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

